

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидаги эркин қирладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

### ҚЎШИМЧА ХАБАРДОР ҚИЛИНГ

Президентнинг 2011 йил 28 мартдаги ПҚ-1513-сон қарори билан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа ҳўжалик субъектлари эндиликда нафақат хорижий мусассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан олинган кўчирмани, балки унинг фаолиятини тасдиқловчи, белгиланган тартибда легализация қилинган бошқа ҳужжатни ҳам тақдим қилишлари мумкин. Кўчирма ёхуд бошқа ҳужжатда хорижий юридик шахснинг номи, унинг жойлашган манзили, хорижий юридик шахс номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши керак (олдин устав фонди миқдори, ташкилий-ҳуқуқий шакл, рўйхатдан ўтказилган сана ва фаолият кўрсатиш муддати ҳам кўрсатилиши керак эди).

Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ҳужжатларни тақдим этиш муддати 7 иш кунидан 1 ойгача узайтирилди. Ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг 2 нусхаси эндиликда тадбиркорлик субъектининг муҳри билан тасдиқланибгина қолмай, балки ваколатли шахс томонидан ҳам имзоланади. Улуш (ҳисса) ёки акция бошқа бировга ўтган тақдирда тадбиркорлик субъектлари уларнинг бошқага ўтганини тасдиқлайдиган ҳужжат (шартнома, хат ва бошқалар) ҳам тақдим қилишлари керак.

Шунингдек давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига тадбиркорлик субъектининг аризасига кўра унинг дубликати берилиши ҳам янгиликдир. Бунда тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги йўқолган гувоҳноманинг бекор қилинганлиги тўғрисида ОАВда хабар чоп этиши ҳамда уни рўйхатга олувчи органга тақдим этиши шарт. Яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома рўйхатга олувчи органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим. Дубликатни бериш муддати 3 иш кунидан ошмаслиги керак.

### «ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» ЯНГИЛАНДИ

Президентнинг 2011 йил 30 мартдаги ПҚ-1514-сон қарори билан «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси тузилмасини ислоҳ қилиш ва фаолият самарадорлигини ошириш вазибалари белгилаб берилди.

Унинг таркибига мулк ва активлари Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги «Мулк-Инвест» ДУК балансида бўлган баъзи улгуржи ташкилотлар ўтказилмоқда, Уюшмадан айрим республика ихтисослаштирилган улгуржи базаконтралари чиқариб ташланмоқда. Ҳужжат билан Уюшма тузилмаси ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар рўйхати янгиланган, ижро этувчи аппаратининг янги тузилмаси тасдиқланди.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2011 йил 19 мартдан 1 апрелгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 12-13-сонлари асосида тайёрланди.

Қуйидагилар Уюшма фаолиятининг асосий вазибалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланган: етиштирилган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса янги мева-сабзавот маҳсулоти, узум ва полиз маҳсулотини жамлаш ҳамда уларни экспортга етказиб беришни ташкил қилиш; мева-сабзавот ва картошка маҳсулотларини фермер ҳамда деҳқон ҳўжаликларида харид қилиш, уларни пухта сақлаш ва қиш-баҳор даврида аҳолини ушбу маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш; ички истеъмол бозори конъюнктурасини маркетинг жиҳатидан ўрганиш, хусусан қишлоқ жойлардаги, олис ҳамда етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктларидаги чакана савдо тармоғини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарлари билан ишончли ва узлуксиз таъминлаб туриш чора-тадбирларини амалга ошириш ва бошқалар.

### БАНКЛАРНИНГ КРЕДИТ БЕРИШЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришга қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Белгиланишича, тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортқиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер ҳўжаликларини молиялаштириш учун ажратилади. Тижорат банклари кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқига эга (олдин тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурсларини кўпайтиришга йўналтирилдиган ва Жамғарманинг берилган кредитлари ҳисобига олинган даромадлари фойда солиғидан 5 йил муддатга озод қилиниши назарда тутилган).

Меҳнат ресурслари ортқиқча бўлган туманлар ва шаҳарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Марказий банк билан биргаликда аниқланади.

Белгиланишича, Жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдан ташқари), ишларни бажариш, хизматлар (савдо соҳаси ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, ривожлантириш ва кенгайтириш учун берилди.

### ООВ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ИШГА ТУШДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 80-сон қарори билан 2011 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун телефон алоқасининг махсус линияси (бундан кейин — «ишонч телефони») ташкил этилган. «Ишонч телефони»нинг рақами — 008.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун адлия органлари телефон алоқасининг махсус линияси тўғрисидаги низом тасдиқланди. «Ишонч телефони» орқали:

аризалар — тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари амалга оширилишида ёрдам кўрсатиш сўралган муурожаатлари;

таклифлар — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар; шикоятлар — бузилган қонуний ҳуқуқлар, эркинликлар ва манфаатлар тикланиши хусусида талаблар қабул қилинади.

Адлия вазирлигига қуйидаги ваколатларга эга: «ишонч телефони» орқали тушаётган муурожаатларни умумлаштириш ҳамда белгиланган тартибда мохиятан кўриб чиқиш; ташкилотлардан зарур маълумотлар ва материалларни талаб қилиш, шунингдек тегишли муурожаатлар бўйича мулоҳазаларни аниқлаш учун ташкилотларга сўровлар юбориш; қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши аниқланган ҳолларда ташкилотларга кўрсатилган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш; муурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича асосли жавоб беришни талаб қилган ҳолда, уларни тааллуқлилигига кўра ташкилотларга юбориш.

### СУГУРТАЛОВЧИЛАР ТАЛАБНИ КУЧАЙТИРДИЛАР

Молия вазирлиги, ДСҚ, Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 22 мартда 1842-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

Чунончи, суғурталовчи бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси, суғурталовчи ўз маблағлари манбалари суммасининг 50 фоизидан ошган (олдинги молиявий йил якуни бўйича халқаро аудитнинг ижобий хулосасини олган тижорат банкларининг устав капиталларида иштирок этиш ва қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) тақдирда унга ҳар бир камчилик учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоиз миқдоридаги жарима солинади (олдин суғурталовчи бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси суғурталовчи

устав капиталининг 50 фоизидан ошганда (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) жарима солинарди).

2011 йил 1 апрелдан кучга кирди.

### АКЦИЗ МАРКАСИ УЧУН ЯНГИ ҚОИДАЛАР

Молия вазирлиги, ДСҚ, ДБҚнинг қарори (АВ томонидан 2011 йил 28 мартда 1320-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Энди амал қилиш муддати ўтган акциз маркалари билан маркланган бундай маҳсулотлар олиб қўйилади ва йўқ қилинади (олдин у олиб қўйилиши ва давлат даромадига киритилиши керак эди). Улар билан савдо қилувчи ташкилотлар эса эски маркаларни йўқ қилишга доир харажатларни амалга оширмайдилар. Уларни фақат бундай маркаларга ёки улар томонидан маркланган маҳсулотларга эга бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналар ва импорт қилувчилар амалга оширадилар.

Ҳужжат матнида илгарироқ бекор қилинган АТ «Пахта банк» «Агробанк» ОАТБга алмаштирилди.

2011 йил 7 апрелдан кучга кирди.

Молия вазирлиги, ДСҚ, ДБҚнинг (АВ томонидан 2011 йил 29 мартда 589-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, энди тартибни бузган ҳолда (масалан, целлофан пленкани йиртиб унинг ичига акциз маркаси ёпиштирилганда, марка целлофан устидан ёпиштирилганда, бошқа ишлаб чиқарувчилар ёки импортчиларнинг маркаларини ёпиштирилганда) акциз маркалари ёпиштирилган тамаки маҳсулотлари маркланмаган деб ҳисобланади ва улар олиб қўйилиши ҳамда белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак (олдин улар суд тартибда давлат даромадига киритилиши учун белгиланган тартибда вақтинча олиб қўйилиши лозим бўлган).

Эндиликда акциз маркаси идишининг зич қилиб ёпилган қалпоқчалар (ёки полиэтилен пробкалар) устидан қопқоқ очилганда йиртиладиган қилиб икки ёнига тенг қилиб яхшилаб ёпиштирилади (олдин акциз маркасини икки ёнига тенг қилиб ёпиштириш талаби бўлмаган).

2011 йил 8 апрелдан кучга кирди.

### «ИЖОД»ГА ТЎЛОВЧИЛАРНИ ДСИ БИЛАДИ

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг буйруғи (АВ томонидан 2011 йил 28 мартда 2139-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмаларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга биноан, эндиликда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги янги ёки қайта ташкил этилган ноширлик ва матбаа корхоналари бўйича маълумотларни нафақат «Ижод» фондига, балки давлат солиқ хизмати органларига ҳам тақдим этади. Фондга мажбурий ажратмалар энди ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай (бундан олдин — 5-кунидан кечиктирмай) тўланади. Ҳужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди.

2011 йил 7 апрелдан кучга кирди.

УШБУ  
СОҒДА

3-бет

Дорихона ҳам чакана савдо объекти

\$1 = 1684,02 сўм

5-бет

Ўриндошликда ишлаш қоидалари

€1 = 2370,17 сўм

6-бет

Текширишдан «тушириб қолдирилган» корхоналар рўйхати

£1 = 2717,17 сўм

7-бет

Шаҳар транспортда имтиёзли юришга кимлар ҳақли?

¥10 = 199,93 сўм

# «АВТОМОБИЛЛАРГА ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИГА ТАЛАБНОМАЛАР»

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасида (2011 йил 1 апрелдаги 13 (869)-сон) ана шу сарлавҳа остида солиқ органлари томонидан автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларига қарзни узиш ҳақида ёзма талаблар қўйилганлиги хусусида газетхонларнинг мурожаати чоп этилган эди. Бугун биз ушбу мурожаатга юристларнинг жавобини чоп этаемиз.

Авалло шундай савол туғилади: ушбу талаблар ва инкассо топшириқномаларининг қўйилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга қанчалик мувофиқ келади?

АЁҚШ чегараланган устамадан ортадиган ҳажмда олган даромади суммаси Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 12-моддасида келтирилган «солиқлар» ёки «мажбурий тўловлар» тушунчалари билан қамраб олинмайди. Улар СКнинг 23-моддасида кўрсатилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг рўйхатида ҳам назарда тутилмаган. Тегишинча, кўрсатилган даромадларнинг бюджетга олиб қўйилиши, бизнинг фикримизча, солиқ қарзини мажбурий ундириш тўғрисидаги СК қоидалари билан тартибга солинмайди. Агар қонунчиликка қатъий амал қилинадиган бўлса, бу чора фақат суд тартибида қўлланиши керак.

Бироқ, АЁҚШга эга бўлган субъектларнинг таҳририятга мурожаатларидан келиб чиқишича, уларга айтиб ўтилган суммалар бўйича қарзни узиш талабномалари юбориб бўлинган, айрим ҳолларда эса – уларнинг банклардаги ҳисобрақамларига ушбу суммаларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш тўғрисида инкассо топшириқномалари қўйилган. Амалдаги қонун ҳужжатлари бу ҳолда ҳужалик юритувчи субъектларга қандай ҳуқуқ ва имкониятлар беради?

Мазкур талаблар ва инкассо топшириқномаларининг қўйилишидан норози корхоналар улар устидан ҳужалик судига шикоят қилишга ҳақлилар. СК 123-моддасининг учинчи қисмига кўра судга шикоят бериш суднинг қарори қонуний кучга киргунга қадар давлат солиқ хизмати органининг шикоят қилинаётган қарори ёки ҳаракатининг ижро этилишини тўхтатиб туради.

АЁҚШга эга бўлган кўпгина ҳужалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бухгалтерлари бутун қарз суммасини бирийўла тўлаш банкротликка олиб келиши мумкин дейдилар. Улар тўлаш муддатини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинми деб сўрашапти. Бу хусусда қонун ҳужжатлари нима дейди?

СКнинг 54-моддаси иккинчи қисмида кўрса-

\*Муддати кечиктирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзини қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссиясининг АВ томонидан 2005 йил 14 январда 1442-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

тилишича, солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан 1 ойдан 24 ойгача муддатга берилади. Бугунги кунда Муддати кечиктирилган дебиторлик ва кредиторлик қарзини қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси ушбу ваколатли органдир. Муддатни кечиктириш (уни бўлиб-бўлиб тўлаш) тартиби Қарзни тўлаш бўйича муддатни кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқини бериш, пеня ҳисоблаб ёзишни тўхтатиш, шунингдек бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича пеня ҳамда жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги низом\* билан белгиланган.

СК 54-моддасининг учинчи қисмида белгиланишича, «охирги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра жорий активлар суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ миқдордаги қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий санкцияларни ундириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида солиқ қарзи ойма-ой бўлиб тўланган ҳолда амалга оширилади».

АЁҚШнинг бюджет олдидидаги қарзи юзага келган ҳолатни ҳисобга олиб, фикримизча, СК 54-моддасининг кўрсатилган қоидаларини қўллаш асослидир. Яъни агар қарз суммаси ҳужалик юритувчи субъект жорий активларининг 20%идан ошса, у, ўйлашимизча, қарзни солиқ органи томонидан талаб қўйилган пайтдан бошлаб 6 ой ичида бўлиб-бўлиб узишга ҳақлидир. Шу билан бирга ҳужалик юритувчи субъект муддатни янада узокроқ даврга кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб тўлаш учун юқоридаги Республика комиссиясига мурожаат эта олади ва унинг мурожаати, фикримизча, кўриб чиқилиши керак.

**Артём МОКШИН,**  
**«Норма» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи.**

### Таҳририятдан.

Корхоналарнинг келиб тушган мурожаатларини умумлаштириб, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасидан кўрсатилган масала бўйича расмий тушунтириш беришни сўраб хат юбордик. Жавоб олишимиз билан уни газетада эълон қиламиз.

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТ ЎРНАТИЛДИ**  
Солиқ солиш масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз. Соат 10.00 дан 12.00 гача

Телефон:

уяли телефондан +99871  
стационар телефондан 8371

**200-00-59**



## ҲИСОБ-КИТОБ БИЛАН БИРГА

**Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлашнинг янги қоидаларида экспортчи корхоналар солиқ инспекциясига Ариза-маълумотнома тақдим этишлари кераклиги белгиланган. У қайси муддатда топширилади?**

Бухгалтер.

– Ариза-маълумотнома Президентнинг 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сон Фармонида биноан солиқларнинг белгиланган ставкаларини қуйидагича камайтириш кўринишида ягона солиқ тўлови, фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар)ни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга кириш дилини тасдиқлайди:

экспортнинг улуши 15%дан 30%га қадар бўлганда – 30%га;  
экспортнинг улуши 30% ва ундан юқори бўлганда – 50%га.

Тегишинча, имтиёзни қўллайдиган экспортчи корхоналар **ДСИга Ариза-маълумотномани фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича ҳисоб-китоблар билан бирга тақдим этадилар.** Унинг шакли Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидаларига<sup>2</sup> иловада келтирилган.

<sup>1</sup>«Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

<sup>2</sup>МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2011 йил 16 февралда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

## ВАРИАНТНИ ТАНЛАНГ

**Корхона «Маҳалла» хайрия жамғармасига пул маблағлари ўтказишни режалаштиряпти. Буни қандай қилиб тўғри амалга ошириш мумкин? Бу хусусда фикрлар бир хил эмас. Баъзилар шанбалик ташкил этиб, ходимларга ушбу кун учун ҳисоблаб ёзилган суммаларни «Маҳалла» жамғармасига юборилиш керак дейдилар. Бошқалар маблағларни Фондга корхонадан ўтказишни тавсия қилишапти. Келтирилган усуллардан қайси бири мақбулроқ?**

Бухгалтер.

– «Маҳалла» хайрия жамғармасига ёрдам кўрсатиш учун иккала вариант мақбул. Уларни танлаш эса корхонадаги Жамғармага ёрдам кўрсатиш борасида қандай қарор қабул қилинишига боғлиқдир.

Биринчи вариантда Жамғармага корхона ходимлари жамоа қарорига (умумий йиғилиш қарори, ходимларнинг баёноти, бўлимлар, участкаларнинг қарори ва ҳоказо) мувофиқ ёрдам кўрсатадилар. Яъни Жамғармага ходимларга меҳнат ҳақи сифатида ҳисоблаб ёзилган пул маблағлари, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ушланганидан кейин (агар бу жамоа қароридан назарда тутилган бўлса), ўтказилади. Тегишинча, бухгалтерия иш ҳақини ҳисоблаб ёзади ва солиқ суммаси чегирилганидан кейин маблағларни хайрия Жамғармасига ўтказилади. Шуни таъкидлаш лозимки, Солиқ кодекси (бундан кейин – СК) 308-моддасининг 2-бандига кўра **ходимга ҳисоблаб ёзиладиган ва унинг розилиги билан хайрия жамғармаларига ўтказиладиган даромадларга ягона ижтимоий тўлов ва сурта бадаллари солинмайди.**

Иккинчи вариантда ёрдамни корхона тегишли ваколатларга эга бўлган раҳбарнинг қарори асосида кўрсатади. Яъни корхона маблағларни ходимларни жалб этмасдан ўтказилади.

Солиқ солиш мақсадида кўрсатилган ёрдам корхона харажатлари сифатида қаралади. Фойда солиғи тўловчилари уларни СК 147-моддасининг 15-бандига асосан чегирилмайдиган харажатларга киритадилар, бироқ бунда корхона солиқ солинадиган фойдани хайрия жамғармаларига бадаллар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 2%идан кўп бўлмаган миқдорда камайтира олишини белгилайдиган 159-модда ҳисобга олинади. Яъни корхона бадалнинг барча суммасини чегирилмайдиган харажатлар таркибиде ҳисобга олиши, кейин эса солиқ солинадиган фойдани солиқ солинадиган фойданинг 2%идан ошмайдиган бадал суммасига камайтириши керак.

Ягона солиқ тўлови тўлайдиган корхоналар «Маҳалла» жамғармасига ажратмаларни солиқ солинадиган базани белгилаш чоғида ҳисобга олмайдилар.

Телефон орқали «**Norma Ekspert**» эксперт-иқтисодчиси **Людмила РОДИОНОВА** жавоб берди.

УШБУ СОНДА:

- ✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**
- ✓ **БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**
- «Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларига талабномалар»
- Ҳисоб-китоб билан бирга
- Вариантни танланг
- Чакана савдо дорихонада ҳам ўзгармайди
- Қурувчи брокер бўлганда
- Сизга ҳам татбиқ этилади
- Қаватларга бўлинг **2-3-бетлар**
- ✓ **ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ**
- Хусусий корхона директори ўзига иш ҳақи тўламаса...
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ** **4-бет**
- Бир неча касбда ишлаш ва ўриндошлик **5-бет**
- ✓ **НАЗОРАТ**
- Президентнинг 2011 йил 7 февралдаги ПК-1474-сон қарори доирасида 2011 йилда текширишлар режа-жадвалидан чиқарилган, давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб 3 йил ўтмаган кичик тадбиркорлик субъектларининг рўйхати **6-бет**
- ✓ **МЕН – ИСТЕЪМОЛЧИМАН**
- Ким автобусда имтиёзли юриш ҳуқуқига эга? **7-бет**
- ✓ **top** **8-бет**

## МДХ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	7.04.2011	1	0,7923	1	1,134	1	0,0281
Арманистон	7.04.2011	1	371,29	1	530,72	1	13,14
Беларусь	8.04.2011	1	3055	1	4363,46	1	108,22
Грузия	8.04.2011	1	1,6783	1	2,3948	1	5,9454
Қозғоғистон	8.04.2011	1	145,44	1	207,88	1	5,15
Қирғизистон	8.04.2011	1	47,1961	1	67,2087	1	1,6723
Латвия	8.04.2011	1	0,491	1	0,702804	1	0,0174
Литва	8.04.2011	1	2,4153	1	3,4528	10	8,5555
Молдова	7.04.2011	1	11,8616	1	16,9711	1	0,4205
Тожикистон	8.04.2011	1	4,4765	1	6,3884	10	1,5866
Ўзбекистон	5.04.2011	1	1684,02	1	2370,17	1	59,36
Украина	7.04.2011	100	796,47	100	1138,9521	10	2,8227
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

1. Чакана савдо корхоналари учун жорий этилган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари чакана дорихона ташкилотларига татбиқ этиладими?  
2. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯСТ энг кам миқдори маълумотнома-ҳисоб-китобининг сатрлари ўсиб борувчи яқун билан тўлдириладими ёки йўқми?

## ЧАКАНА САВДО ДОРИХОНАДА ҲАМ ЎЗГАРМАЙДИ

– 1. Ҳа, татбиқ этилади. Иқтисодийнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>1</sup> (бундан кейин – 2173-сон Низом) 3-бандига мувофиқ ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилганлигини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш мақсадида чакана савдо корхоналарига ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий фаолият тури бўлиб чакана савдо ҳисобланадиган юридик шахслар киритилади. 2173-сон Низомда чакана савдо қиладиган айрим турдаги корхоналар учун (шу жумладан дорихоналар учун ҳам) ҳеч қандай истиснолар назарда тутилмаган. Бинобарин, чакана савдо корхоналари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни энг кам меъёрларни ҳисобга олган ҳолда тўлашлари керак.

2. Микрофирмалар ва кичик корхоналар 2011 йил 1 чораги яқунлари бўйича ЯИТ энг кам миқдорининг маълумотнома-ҳисоб-китобини МВ ва ДСҚ қарорида<sup>2</sup> келтирилган шакл бўйича тақдим этадилар. У қуйидаги тартибда тўлдирилади.

Белгиланган тартибда ҳисобланган ЯИТ энг кам миқдори ҳар бир ой учун алоҳида кўрсатилади.

ди (0501-сатр – чоракнинг биринчи оyi, 0502-сатр – иккинчи оyi, 0503-сатр – учинчи оyi учун).

ЯИТнинг энг кам миқдори билан таққосланадиган ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси (солиқ солинадиган база ва ставкадан келиб чиқиб) ҳам чоракнинг ҳар бир оyi учун алоҳида (ўсиб бормайдиган яқун билан) кўрсатилади: чоракнинг биринчи оyi – 0601-сатр, иккинчи оyi – 0602-сатр, учинчи оyi – 0603-сатр).

Кўшимча ҳисоблаб ёзилган ЯИТ суммаси ҳар бир ой бўйича муайян ойдаги ЯИТнинг энг кам миқдори суммасидан худди шу ойда ҳисоблаб ёзилган ЯИТни чегириш (0701, 0702, 0703-сатрлар) йўли билан аниқланади. Масалан, чоракнинг биринчи оyi бўйича кўшимча ҳисоблаб ёзиш суммаси (0701-сатр) 0501-сатрдан 0601-сатрни айириш йўли билан аниқланади ва ҳоказо. Бунда агар, масалан, биринчи ой учун ҳисоблаб ёзилган ЯИТ (0601-сатр) энг кам миқдордан (0501-сатр) ошиб кетса, 0701-сатрда «0» киймати кўрсатилади.

Чорак бўйича ҳисоблаб ёзишнинг умумий суммаси, тегишинча, 0701, 0702 ва 0703-сатрларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Телефон орқали «Norma Ekspert» эксперт-иқтисодчиси Ольга РАХМАТУЛЛИНА жавоб берди.

## ҚУРУВЧИ БРОКЕР БЎЛГАНДА

АВ томонидан 2011 йил 23 февралда 2200-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг чиқиши муносабати билан қуйидаги ҳолга ойдинлик киритсангиз. Қурилиш ташкилотимиз брокерлик хизматларини ҳам кўрсатади. 1 чоракда қурилиш бўйича ҳажмлар бўлмади, фақат брокерлик хизматларини кўрсатишдан даромад олинган. Биз ҳақиқатда қурилиш ишларини бажармаган бўлсак ҳам, биринчи чорак учун 2200-сон Низомга 3-илова бўйича Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисида маълумотнома-ҳисоб-китоб тақдим этишимиз зарурми?

Бухгалтер.

– Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг<sup>3</sup> (бундан кейин – 2200-сон Низом) меъёрларини қўллаш мақсадида қурилиш ташкилотларига ҳисобот чораги яқунлари бўйича асосий

фаолият тури қурилиш пудрати шартларида (қурилиш) турар-жой ва фуқаро қурилиши объектларида қурилиш ишларини бажариш бўлган корхоналар киритилади (2200-сон Низомнинг 3-банди). Ҳисобот даври яқунлари бўйича асосий фаолият тури реализациянинг умумий ҳажмида тушумнинг устун турадиган улуши бўйича аниқланади (Солиқ кодексининг

22-моддаси). 1 чорак яқунлари бўйича даромадлар фақат брокерлик хизматларини кўрсатишдан олинганлиги ҳисобга олинса, айна мазкур фаолият тури корхона учун асосий фаолият тури бўлади. Тегишинча, 2200-сон Низом корхонага татбиқ этилмайди ва унда Маълумотнома-ҳисоб-китобни тақдим этиш мажбурияти юзага келмайди.

Агар II чоракда қурилиш ишларини бажаришдан олинган тушум устун бўлса (асосий фаолият тури қурилиш бўлади), корхона ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини ҳисоб-китоб қилиши ва унга доир Маълумотнома-ҳисоб-китобни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этиши лозим (2200-сон Низомнинг 13-банди).

## СИЗГА ҲАМ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Корхонамизнинг ХХТУТ бўйича коди – 61124, уяли алоқа операторлари учун антенна-мачта иншоотларини монтаж қилиш ва ўрнатиш билан шуғулланамиз. Уларни бунёд этиш бўйича ишларни бажариш учун ёрдамчи пудрат ташкилотлари жалб этилади. АВ томонидан 2010 йил 28 декабрда 2173-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом корхонамизга татбиқ этиладими? Ушбу ҳужжатда «қурилиш ишлари», «шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари», «қурувчи ишчилар» атамаларидан фойдаланилган. Уларни корхонамизнинг фаолият турига қанчалик татбиқ этиш мумкин?

Бухгалтер.

– 2173-сон Низом қурилиш ташкилотларига татбиқ этилади. Умумқурилиш ишлари рўйхатида, ХХТУТга кўра, 61124 коди бўйича «Куч иншоотлари, градирнялар, қувурлар ва бошқа махсус темир-бетон иншоотларни монтаж қилиш; технологик, энергетик ва бошқа асбоб-ускуналарни монтаж қилиш» қайд

этилган, Сизнинг корхонамиз антенна-мачта иншоотларини (базавий станцияларни) монтаж қилиш ва ўрнатиш билан шуғулланади, яъни махсус қурилиш ишларига киритилган ишларни бажаради. Шундан келиб чиқиб сизнинг ташкилотингиз қурилиш ташкилоти ҳисобланади ва сизларга 2173-сон Низом татбиқ этилади.

Корхонамиз ходимлар сонининг энг кам меъёри ҳисоб-китобини ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб этадиган бош пудратчи сифатида, ёрдамчи пудрат ташкилотига берилган қурилиш ишларини бажаришга доир меҳнат сарфиётини чегириган ҳолда амалга ошириши керак (2173-сон Низомга 8-илова).

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айна вақтда 2173-сон Низомга қурилиш ишлари мундарижасини белгилаш борасида ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрланяпти. Улар киритилишига қадар ХХТУТ бўйича коди 61124 бўлган ташкилотларга бугунги кунда амал қилаётган, 2173-сон Низом ва 2200-сон Низом билан белгиланган меъёрларга риоя этиш тавсия қилинади.

<sup>1</sup>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2010 йил 28 декабрда 2173-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>АВ томонидан 2011 йил 21 февралда 2095-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

<sup>3</sup>ДСҚ ва МВнинг АВ томонидан 2011 йил 23 февралда 2200-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

## Бизнинг маслаҳатлар

# ҚАВАТЛАРГА БЎЛИНГ

Корхонамизнинг асосий фаолият тури ёнғиндан сақлаш қурилмалари ва асбоб-ускуналарини монтаж қилиш ҳамда созлашдир (ХХТУТ бўйича коди 61124). Бизга:

ҳодимлар сонининг энг кам меъёрлари жорий этилиши муносабати билан ЯСТни кўшимча ҳисоблаш тартиби;

энг кам миқдор – ер солиғининг 3 баравар суммасини ҳисобга олган ҳолда ЯСТ тўлаш тартиби татбиқ этиладими?

Агар татбиқ этилса, биз ЯСТнинг энг кам миқдорини қандай ҳисоблашимиз керак бўлади: Тошкент шаҳридаги 4 қаватли уй-жойда, нотурар жой фондига ўтказилган жойда офисимиз бор.

Бухгалтер.

– Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш корхоналари учун жорий этилган. Ёнғиндан сақлаш қурилмалари ва асбоб-ускуналарини монтаж қилиш, шунингдек уларни созлаш умумқурилиш ва ихтисослашган қурилиш ташкилотлари томонидан бажариладиган ишлар рўйхатига (ХХТУТ бўйича коди 61124) киритилган. Шундан келиб чиқилса, сизнинг корхонамизга Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобдан чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом<sup>1</sup> татбиқ этилади.

ЯСТ тўловчи қурилиш ташкилотларига 2011 йил 1 июлдан бошлаб энг кам миқдор – ер солиғининг уч баравар суммасини ҳисобга олган ҳолда ЯСТ тўлаш тартиби ҳам татбиқ этилади. Уни ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>2</sup> (бундан кейин – 2203-сон Низом) II бўлимида белгиланган.

ЯСТнинг энг кам миқдорини микрофирмалар ва кичик корхоналар қуйидаги формула бўйича ҳар чоракда, қолган корхоналар эса ҳар ойда ҳисоблаб чиқарадилар:

$ЭКМ_{яст} = 3 \times C \times K_1 \times K_2$ , бу ерда:

$ЭКМ_{яст}$  – ЯСТнинг энг кам миқдори;

$C$  – ер солиғи, уни ҳисоблаб чиқаришда мазкур жой ва ер тоифаси учун белгиланган энг кам ставкалар қўлланади;

$K_1, K_2$  – юридик шахснинг амалга ошираётган фаолият тури ва жойлашган жойига боғлиқ ҳолда қўлланадиган пасайтирувчи коэффициентлар (2203-сон Низомга 1-илова).

Офиси кўп қаватли бинода жойлашган юридик шахслар ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун майдонни бино эгаллаган умумий майдондан ва юридик шахс фойдаланаётган жойлар улушидан келиб чиқиб, яъни офис жойининг умумий майдонини уйдаги қаватлар сонига бўлиш йўли билан ҳисоблайдилар.

**МИСОЛ.** ЯСТ тўловчи кичик корхонанинг асосий фаолият тури ёнғиндан сақлаш сигнализациясини монтаж қилиш ва созлаш ҳисобланади. У Тошкент шаҳридаги 4 қаватли уй-жойнинг биринчи қаватида жойлашган, майдони 150 кв.м (0,015 гектар) бўлган офисга эга. Жой белгиланган тартибда нотурар жой фондига ўтказилган.

ЯСТнинг энг кам миқдори мазкур мисолда юридик шахслар учун Тошкент шаҳрида жойлашган ер участкалари бўйича белгиланган ер солиғининг энг кам ставкаси – 1 гектар учун 7 852 606 сўм асосида ҳисобланади (Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига<sup>3</sup> 19-илова), бироқ бунда пасайтирувчи коэффициентлар ҳисобга олинмайди, чунки улар қурилиш ташкилотлари учун назарда тутилмаган.

ЯСТнинг энг кам миқдори белгиланадиган майдон 0,00375 гектарни (0,015 / 4) ташкил этади.

Шу тариқа, ЯСТнинг энг кам миқдори чоракда 22 085,45 сўмни [3 x (0,00375 x 7 852 606 / 4)] ташкил қилади.

Уни ҳисоб-китоб қилинган миқдор билан таққослаймиз. Агар энг кам миқдор кўпроқ бўлиб чиқса, фарқ суммасига ЯСТ кўшимча ҳақ амалга оширилади. Агар ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси энг кам миқдордан кўп ёки унга тенг бўлса, бюджетга ЯСТ ҳисоб-китоби бўйича ҳисоблаб чиқарилган сумма тўланади.

<sup>1</sup>ДСҚ ва МВнинг АВ томонидан 2011 йил 23 февралда 2200-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган. «Norma маслаҳатчи» газетасининг 2011 йил 28 февралдаги 8 (293)-сонидан чоп этилган

<sup>2</sup>МВ, ИВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2011 йил 3 мартда 2203-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган. «СБХ»нинг 2011 йил 10 мартдаги 10 (866)-сонидан чоп этилган.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»

# ХУСУСИЙ КОРХОНА ДИРЕКТОРИ ЎЗИГА ИШ ҲАҚИ ТЎЛАМАСА...

**?** Хусусий корхонанинг штати икки ходимдан иборат – директор ва бош бухгалтер. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига кўра, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган хусусий корхонанинг фойдаси унинг мулкдори тасарруфига ўтади ва унга солиқ солинмайди. Ушбу меъёрга асосан мулкдорнинг (директорнинг) пластик карточкасига ҳар ойда, чорак якуни бўйича, солиқлар тўланганидан кейин қолган корхонанинг соф фойдаси ўтказилади. Шу муносабат билан ва мулкдорнинг хоҳишига кўра унга иш ҳақи ёзилмаган.

Корхона бош бухгалтери ҳар ойда ЭКИХнинг 1 баравари миқдоридан иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган. ЯИТнинг базавий миқдори жорий этилганлигини ҳисобга олган ҳолда ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг талабига кўра корхона ҳар ойда Пенсия жамғармасига ҳар бир ходим учун ЭКИХнинг 1 баравари миқдоридан ЯИТ тўлайди.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ ёшга доир пенсиянинг базавий миқдори пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55%ини ташкил қилади.

Юқорида кўрсатилганларнинг маъносидан қуйидаги саволлар юзага келади.

1. Агар бош бухгалтерга ЭКИХнинг 1 баравари миқдоридан иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган ва ҳар ойда Пенсия жамғармасига худди шу миқдорда ЯИТ ажратилган бўлса, унинг ўртача ойлик иш ҳақи қандай белгиланади? Ҳар ойда ЯИТ тўланганлиги далилини ҳисобга олиб, ўртача ойлик иш ҳақини қуйидаги тартибда ҳисоблаб чиқариш мумкинми:

$49\ 735 / 25\% = 198\ 940?$

2. Агар директорга иш ҳақи ҳисоблаб ёзилмаган, бироқ ҳар ойда Пенсия жамғармасига ЭКИХнинг 1 бараварига тенг миқдорда ЯИТ ажратилган бўлса, унинг ўртача ойлик иш ҳақи қандай аниқланади?

Р.Собиров.

– Биринчи навбатда шуни таъкидлаш лозимки, ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бир нарса эмас.

ЯИТни юридик шахслар (сизнинг ҳолатингизда – хусусий корхона), суғурта бадалларини эса корхона ходимлари (яъни директор ва бош бухгалтер) тўлайдилар.

Корхона томонидан ЯИТ тўланиши ходимларнинг пенсия муносабатларига ҳеч ҳам таъсир қилмайди, суғурта бадалларини тўлаш эса умуман бошқа нарса. Зеро «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>1</sup> (бундан кейин – 938-ХII-сон Қонун) 32-моддасига мувофиқ пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзиладиган барча турлари киритилади. Уларни ҳисоблаб ёзиш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек улар тўғри ҳисоблаб чиқарилганлиги учун жавобгарлик иш берувчининг зиммасига юкланади, бундан суғурта бадалларини мустақил равишда тўлайдиган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиқларининг аъзолари мустасно.

Хатингизда сиз даромад ҳисоб-китобини суғурта бадалларини мустақил равишда ЭКИХнинг 1 баравари миқдоридан тўлайдиган яқка тартибдаги тадбиркорлар ёки деҳқон хўжалиқлари аъзолари учун белгиланган тартибда амалга оширишингизни ёзгансиз. Чунинчи, уларнинг пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқариш чоғида ҳисобга олиннадиган муайян ой учун даромади тўланган ойлик суғурта бадаллари ажратмаларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган йиғинди фоизига бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади<sup>2</sup>.

Энг кам иш ҳақи миқдори 49 735 сўмни ташкил қилади<sup>3</sup>.

2011 йил учун ЯИТ ставкаси (иш берувчилар учун) меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 25%и<sup>4</sup>; мажбурий суғурта бадаллари ставкаси (ходимлар учун) – иш ҳақининг 4,5%и<sup>5</sup> қилиб белгиланган. Суғурта тўловларининг йиғинди фоизи:  $25\% + 4,5\% = 29,5\%$ га тенг. 2011 йил март ойи учун яқка тартибдаги тадбиркорнинг даромади қуйидагича ҳисобланади:  $49\ 735 / 29,5 \times 100 = 168\ 593$  сўм.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига<sup>6</sup> 8-иловада иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ва иш ҳақи миқдори бюджетдан ташқари Пенсия жамғар-

масига тўланган суғурта бадаллари суммасидан келиб чиқиб белгиланадиган ходимларнинг тоифалари рўйхати келтирилган. Уларга қуйидагилар кирради:

юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат олган шахслар;  
деҳқон хўжалиқлари аъзолари;  
меҳнат шартномалари бўйича хусусий шахсларга хизмат кўрсатишда банд бўлган шахслар.

Қолган ходимларга, шу жумладан сизнинг ходимларингизга ҳам, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик даромад умумий тартибда, яъни кетма-кет ишланган 60 календарь ой учун иш ҳақининг (ундан суғурта бадаллари ушланган) умумий суммасини 60 га бўлиш йўли билан аниқланади (938-ХII-сон Қонун 31-моддасининг иккинчи қисми).

1. Шу тариқа, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун бош бухгалтернинг ўртача ойлик иш ҳақи умумий тартибда,



меҳнат шартномаси ва штат жадвалида белгиланган иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинади (унинг даромадларидан суғурта бадаллари тўланиши шарт билан).

2. Хусусий корхона директорига келсак, бунда баъзи жиҳатларга тушунтириш киритиш лозим.

Газетамиз саҳифаларида биз корхонанинг яқкабош мулкдорини директор этиб расмийлаштириш муаммосини кўп мартаба кўтарганмиз.

Меҳнат кодексининг 82-моддасига кўра, корхона раҳбарини (директорини) ишга қабул қилиш корхона мулкдорининг ҳуқуқи ҳисобланади ва у томонидан бевосита амалга оширилади. Бироқ кўриб чиқилаётган ҳолда, «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>7</sup> 14-моддасига кўра, корхона мулкдори ва раҳбари бир шахсдир. Фуқаролик кодекси 129-моддаси учинчи қисмининг маъносидан келиб чиқилса, хусусий корхона мулкдори корхонанинг ўзи билан ХК раҳбари сифатида ўзига нисбатан битимлар туза олмайди. Шу тариқа, хусусий корхона билан унинг раҳбари ўртасида (яъни ўзи билан ўзи ўртасида) меҳнат шартномасини тузиш қонун ҳужжатлари меъёрларига зиддир. Шу сабабли ХК мулкдорини директор этиб расмийлаштириш учун у корхона директорини вазифаларини ўз зиммасига қабул қилиши тўғрисида буйруқ чиқариши лозим, буйруқни унинг ўзи ёки ваколатли ўринбосари имзолаши керак. Ушбу буйруқ асосида меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этилади. Бироқ директор сифатидаги иш вақти меҳнат стажига ҳисобга киритилиши учун бунинг ўзи камлик қилади, чунки ушбу ҳолда иш ҳақидан суғурта бадалларини тўлаш асосий омил бўлиб ҳисобланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин хусусий корхонанинг фойдасидан қолган мулкдорнинг даромади эса иш ҳақи ҳисобланмайди ва, суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзилмайдиган дивидендлар ва бошқа ҳар қандай мулккий даромадлар сингари, унга солиқ солинмайди.

Шу сабабли иш ҳақи олмайдиган хусусий корхона мулкдорлари (МЧЖ, АЖнинг ишламайдиган мулкдорлари ва мулккий даромад оладиган бошқа шахслар сингари ҳам) давлат ижтимоий суғуртасининг иштирокчилари ҳисобланмайдилар. Бинобарин, ушбу давр пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун меҳнат стажига киритилмайди. Тегишинча, бундай даромад пенсия ҳисоб-китоби учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш чоғида ҳисобга олинмайди.

ХК директорига иш ҳақини ҳисоблаб ёзишга келсак, қонун ҳужжатлари ҳақиқатан ҳам ХК раҳбарларини ўзларига иш ҳақи тўлашга мажбур қилмайди. Мулкдор айна вақтда директор ҳам бўлиб, ўзини ўзи ишга ёлламайди. Меҳнатга тўланадиган ҳақ эса айна ёлланма ходимлар учун кафолатланган. Бу ҳолда муаммолар юзага келиши мумкин. Биринчидан, биз юқорида ёзгандек, пенсия тайинлаш чоғида. Иккинчидан эса, ҳисоб-китоб қилиш учун ходимлар сони ва уларнинг иш ҳақи сингари кўрсаткичлар зарур бўлган ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб ёзилганда.

2011 йилда ЯИТ меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 25%и ставкаси бўйича тўланади. Бунда Президентнинг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарори<sup>8</sup> 7-банди билан белгиланган тартиб амал қилади, унга кўра 2009 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳар бир ходимга ЯИТ суммаси ЭКИХнинг 1 бараваридан, фермер хўжалиқлари учун эса ЭКИХнинг 50%идан кам бўлмаслиги керак.

Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг<sup>9</sup> 2-бандига кўра, ходимлар сирасига предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлайдиган жисмоний шахслар кирради. Бироқ директор мазкур ҳолда ўзи билан ўзи меҳнат шартномаси туза олмайди. Солиқ кодексининг 307-моддасига мувофиқ ЯИТ жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳақи тарзида олинган даромадларига ҳисоблаб ёзилади. Бироқ директор ўзига иш ҳақи тайинлашга ҳақли эмас. Шу тариқа, юқорида кўрсатилган меъёрларга кўра, ходим – директор ва унинг иш ҳақи ЯИТни ҳисоблаб чиқариш чоғида ҳисобга олинмайди (чунки унинг ўзи йўқ). Амалиётда бундай ҳолат назорат қилувчи органларнинг кўплаб эътирозларига сабаб бўлади, чунки амалда директор ходим ҳисобланади ва корхона штатида қайд этилади. Агар у ёзма равишда иш ҳақини барча солиқлар тўланганидан кейин олинган даромадлар, яъни мулккий даромадлар деб ҳисоблашлари тўғрисида баёнот берса, назорат қилувчи органлар ушбу суммани ЯИТ ҳисоб-китоби учун солиқ солиннадиган база сифатида қабул қилишлари мумкин. Шу боис хусусий корхоналарнинг кўпчилик раҳбарлари ўзларига иш ҳақи белгилаб оладилар ва ундан барча мажбурий тўловларни, шу жумладан суғурта бадалларини тўлайдилар. Бу эса уларга мазкур даврни меҳнат стажига киритиш, шунингдек корхона бўйича ЯИТ ҳисоб-китобини муаммоларсиз амалга ошириш имконини беради.

Мария ТУХТАРОВА,  
«Норма» МЧЖ юрисконсульти.

<sup>1</sup>1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон.

<sup>2</sup>Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмаларини ҳисобга олиш тартибининг (ВМнинг 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарорига 1-илова) 27-банди.

<sup>3</sup>Президентнинг 2010 йил 15 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини ошириш тўғрисида» ПФ-4253-сон Фармони билан 2010 йил 1 декабрдан белгиланган.

<sup>4</sup>Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1449-сон қарорига (бундан кейин – ПҚ-1449-сон қарор) 25-илова.

<sup>5</sup>ПҚ-1449-сон қарорнинг 3-банди.

<sup>6</sup>«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида».

<sup>7</sup>2003 йил 11 декабрдаги 558-И-сон.

<sup>8</sup>«Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида».

<sup>9</sup>МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 13 апрелда 2095-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

# БИР НЕЧА КАСБДА ИШЛАШ ВА ЎРИНДОШЛИК

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иккиламчи машғулликнинг 2 асосий турини фарқлайди: ўриндошлик ва бир йўла бир неча касбда ишлаш.

**ЎРИНДОШЛИК** – ҳар доим бошқа (асосий бўлмаган) ҳақ тўланадиган иш бўлиб, қуйидаги ҳолатларда:

асосий меҳнат шартномаси билан бир қаторда амалга ошириладиган алоҳида меҳнат шартномаси шартларида;

асосий иш вақтидан бўш вақтда;

бир неча иш берувчида (ташқи ўриндошлик), шу жумладан бир иш берувчида ҳам (ички ўриндошлик) амалга оширилади.

Ўриндошлик шартномасига меҳнат шартномаларини тузишнинг умумий қоидалари татбиқ этилади. Ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш (худди асосий иш жойи бўйича бўлганидек) фақат бўш иш ўрни бўлгандагина амалга оширилиши мумкин.

**БИР НЕЧА КАСБЛАРДА (ЛАВОЗИМЛАРДА) ИШЛАШ** – ҳақ тўланадиган қўшимча иш бўлиб, у:

бир меҳнат шартномаси доирасида;

бир меҳнат шартномаси бўйича нормал иш вақти чегарасида;

биргина иш берувчининг ўзида амалга оширилади.



Бир неча саволга жавоб берсангиз.

1. Бош бухгалтер бир ташкилотнинг ўзида бошқа лавозимда, штат жадвалида назарда тутилган маошнинг 50%ини олган ҳолда ўриндошлик бўйича ишлашга ҳақлими?

2. Ташкилот ушбу ходимга асосий лавозими бўйича ҳам, ўриндошлик бўйича ҳам мукофот тўлашга ҳақлими?

3. Бизнинг ташкилотимизда тасдиқланган низомга кўра, янги ишга қабул қилинган ходимларга мукофотлар 6 ой ишлагандан кейин тўланади. Бир ташкилотдан биргина бош корхонага бўйсунган бошқа ташкилотга ишга қабул қилинган ходимларга мукофотлар қандай тўланади?

4. Ходим биргина ташкилотда кадрлар бўлимининг бошлиғи ва хўжалик мудири бўлиб ишлашга ҳақлими?

И.Абдурахмонов, иқтисодчи.

1. Меҳнат кодекси (МК) 160-моддада мувофиқ ўриндошлик – ходим томонидан, ўзининг асосий ишидан ташқари, асосий ишидан бўш вақтда, меҳнат шартномаси шартларида бошқа ҳақ тўланадиган иш бажарилиши. Агар бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, ходим ўриндошлик бўйича ишлаш тўғрисида меҳнат шартномаларини тузиши мумкин (МК 72-моддасининг тўртинчи қисми). Ўриндошлик ички – бир ташкилотда ва ташқи – бошқа ташкилотдаги қўшимча иш бўлиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида 2 раҳбар лавозимни эгаллашга (усталар лавозимларидан ташқари), агар қонун ҳужжатлари билан бошқача қоида белгиланмаган бўлса, **йўл кўйилмайди**. Раҳбар лавозимларга жамаларга раҳбарлик қилиш билан боғланган лавозимлар киради<sup>1</sup>.

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори жадвалининг<sup>2</sup> 1068-бандига кўра бош бухгалтер бошқарув ходимларига киради, улар эса ўз навбатида раҳбарлар ва мутахассисларга бўлинади. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>3</sup> 8-моддасига мувофиқ раҳбар имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига – бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради. Ушбу меъёرنинг маъносидан келиб чиқиб, бош бухгалтер лавозими раҳбар лавозимларга кирмайди ва, тегишчанча, унга **ўриндошлик учун чеклаш татбиқ этилмайди**. Бироқ бухгалтерлар ва касса ҳужжатларига имзо чекиш ҳуқуқидан фойдаланувчи бошқа ходимлар кассирлик мажбуриятларини, шу жумладан ўриндошлик тартибда ҳам бажаришлари мумкин эмас<sup>4</sup>.

Қонун ҳужжатларидан ташқари, корхона раҳбарлари ўриндошлик учун касба уюшмаси кўмитаси билан келишилган ва корхонанинг локал ҳужжатларида кўрсатилган чеклашларни жорий этишлари мумкин.

Шу тариқа, агар сизнинг ёки юқори турувчи корхонанинг локал ҳужжатларида чеклашлар назарда тутилмаган бўлса, бош бухгалтер худди шу ташкилотда бошқа лавозимда ўриндошлик бўйича ишлашга ҳақлидир.

Тўланадиган ҳақ миқдорлари амалда бажарилган иш учун тарафларнинг келишуви бўйича белгиланади (МКнинг 160-моддаси).

2. Агар корхонанинг локал ҳужжатларида ва ушбу мукофотни тўлаш тартибини белгилайдиган бошқа ҳужжатларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлай олади. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иш берувчига мустақил равишда, ўзининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, мукофот тайинлаш ва кимга, шу жумладан ўриндошларга ҳам қанча миқдорда беришни белгилаш ҳуқуқини беради.

3. Ходимларни мукофотлаш тартиби, шу жумладан бир тобе ташкилотдан бошқасига ўтиш чоғида, уларни молиялайдиган бош ташкилот томонидан белгиланиши керак. Агар ушбу масала корхонанинг локал ҳужжатлари билан тартибга солинмаган бўлса, маъмурият юқори ташкилотга мазкур ходимга мукофот тўлаш мумкинлиги тўғрисида расмий сўров билан мурожаат қилиши керак.

4. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан ўриндошлик тартибда, кадрлар бўлимининг бошлиғи ва хўжалик мудири лавозимларини бирга олиб боришни тақиқламайди.

<sup>1</sup>Ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисида низомнинг (СССР Давлат меҳнат кўмитаси, СССР Адлия вазирлиги ва ВЦСПС Котибиятининг 1989 йил 9 мартдаги 81/604-К-3/6-84-сон қарори билан тасдиқланган) 10-банди. Ҳужжатдан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатларини тартибга соладиган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга зид келмайдиган қисмидагина фойдаланиш мумкин.

<sup>2</sup>Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори (ВМнинг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарорига илова) III бўлими.

<sup>3</sup>1996 йил 30 августдаги 279-1-сон.

<sup>4</sup>Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари (МБ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 35-банди.

<sup>5</sup>Шартнома ва буйруқларнинг намуналари эркин кириш учун очик бўлган [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтида жойлаштирилган.



## БИР МАОШГА УЧ НАФАР ХОДИМ



1. Кассир вазифаларини (штат жадвалида ушбу лавозим йўқ) штатдаги бошқа ходимга юклашни қандай қилиб расмийлаштириш керак?

2. Бир ходимнинг зиммасига кассир ва кадрлар бўлими инспекторининг вазифаларини (штат жадвалида иккала лавозим назарда тутилмаган) юклаш мумкинми?

3. Ушбу вазифалар юкланадиган ходимга ҳақ тўламаса бўладими?

4. Ўзгаришларни меҳнат битимига киритиш шартми?

А.Бегжонов.



Мен кичик фирмада ўриндошлик бўйича бухгалтер бўлиб ишлайман. Штат жадвалимизда кассир ва кадрлар бўйича инспектор лавозимлари йўқ. Шу муносабат билан биз офис-менежеримизнинг ушбу лавозимларни қўшиб олиб бориб ишлашни расмийлаштирмоқчимиз. У бошқа вазифаларни ҳам бажарганлиги учун қўшимча ҳақ олмаслигини ҳисобга олиб, унга кассир (якка тартибда моддий жавобгарлик тўғрисида шартномани имзолаган ҳолда) ва кадрлар бўйича инспектор вазифалари юкланишини қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин?

А.Пўлатова.



Мен Нукус шаҳрида тадбиркорман. Озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси бўйича кичик бизнесим бор. Штатимда кассир йўқ. Унинг вазифаларини офис-менежер бажаришини хоҳлайман. Меҳнат кодексига ёзилишича, мен кассир вазифаларини бошқа киши зиммасига юклай оламан, ҳақи эса келишув асосида тўланади.

Офис-менежер банкка пул учун бориб келишига ҳақ тўлашим шартми? Умуман пул тўламасам ҳам бўладими?

Кассирнинг вазифаларини офис-менежерга беришни қандай қилиб тўғри расмийлаштира оламан? Қаердадир ушбу вазифаларни кўрсатишим лозимку?

М.Назиев.

– Ходимнинг меҳнат мажбуриятлари меҳнат шартномаси ва лавозим йўриқномасида қайд этилиши керак. **Ишга қабул қилиш чоғида иш берувчи унинг мажбуриятларини ва уларни бажарганлик учун меҳнат ҳақини белгилаши лозим**. Ходим иш берувчининг ишга қабул қилиш чоғида қайд этилмаган ва тегишли ҳужжатларда акс эттирилмаган топшириқларини бажармасликка ҳақлидир. Кейинроқ **иш берувчи ва ходимнинг келишувига кўра** қўшимча мажбуриятларни, шу жумладан бир неча касбда ишлашни ҳам унга юклашга йўл кўйилади. Бу ҳолда тарафларнинг келишувига кўра тўланадиган ҳақ ҳақиқатда бажарилган иш учун белгиланиши керак (МКнинг 160-моддаси). Ушбу меъёрдан келиб чиқилса, **қўшимча вазифалар учун ҳақ тўланиши керак**.

Агар сиз вазифалар доираси ва бир неча касбда ишлаш шартларини дарҳол белгилаган ҳолда уларни меҳнат шартномаси ва лавозим йўриқномасида кўрсатган, ходим эса таклиф қилинаётган меҳнат ҳақиға розилик билдирган бўлса, ушбу вазифаларни бажарганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш керак эмас. Бироқ агар сиз уни ишга бир шарт билан қабул қилган бўлсангиз ва у **аввал бошдан қайд этилмаган вазифаларни** бажаришини хоҳласангиз, бу ҳолда **меҳнат шартномасига ўзгаришлар киритишинингиз ва қўшимча вазифалар учун тўланадиган ҳақни белгилашингиз зарур**.

МКнинг 89-моддасига кўра, иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар ҳусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдидан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир (бундай ўзгаришлар асосланган бўлиши керак). Бу ҳолда иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида хо-

димни камида икки ой олдин ёзма равишда огохлантириб, тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл кўйилади.

Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Бир неча касбда (лавозимда) ишлаш ходимнинг меҳнат вазифасига киради, яъни меҳнат шартномасининг муҳим шарти ҳисобланади. Шу муносабат билан **меҳнат шартномасига доир битим тузиш зарур**, унга нисбатан ҳам меҳнат шартномасини тузишга доир қоидалар: ёзма шакл, тарафларнинг розилиги, уларда тегишли ваколатларнинг бўлиши ва ҳоказо қўлланади. Меҳнат дафтарида бир неча касбда ишлаш тўғрисида ёзув киритилмайди.

Меҳнат шартларига киритиладиган ўзгаришлар иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади<sup>5</sup>. Меҳнат шартларига ўзгаришлар киритиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади (МК 96-моддасининг еттинчи қисми).

Қонун ҳужжатлари кассир, офис-менежери ва кадрлар бўйича инспектор вазифаларини бирга олиб боришни **тақиқламайди**. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидаларининг 32-бандига мувофиқ кассир вазифаларини ходимнинг зиммасига юклаш тўғрисида буйруқ чиқарилганидан кейин ташкилот раҳбари уни тилхат олган ҳолда Касса операцияларини юритиш қоидалари билан таништириши шарт, шундан сўнг кассир билан унинг тўлиқ шахсан моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади<sup>5</sup>.

Мария ТУХТАРОВА,  
«Norma» МЧЖ юрисконсульти.

**ПРЕЗИДЕНТИНИГ 2011 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛДАГИ ПҚ-1474-СОН ҚАРОРИ ДОИРАСИДА  
2011 ЙИЛДА ТЕКШИРИШЛАР РЕЖА-ЖАДВАЛИДАН ЧИҚАРИЛГАН,  
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН ПАЙТДАН БОШЛАБ 3 ЙИЛ ЎТМАГАН  
КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ  
РЎЙХАТИ**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2011 йил 2 мартдаги 06-3685-сон хатига мувофиқ 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар (юридик шахслар) фаолиятини текшириш режа-жадвалидан чиқарилди

Корхона номи	СТИР	Текшириш мўлжалланган мuddат	Корхона номи	СТИР	Текшириш мўлжалланган мuddат	Корхона номи	СТИР	Текшириш мўлжалланган мuddат
<b>ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ</b>			СП ООО J CHIN LATEKS	301031245	июнь	KAMAZ AVTOPROM MChJ QK	206983801	июнь
ООО «ЛЕС СТРОЙ ТОРГ»	301030784	май	AMAL INVEST PLAST XK	301231202	июль	RO'ZMETOV Z.M. MChJ	301205289	июль
«КАРАКАЛПОК ПАХТА ТРАНС» МЧЖ	301172617	август	«NIHOL SAMARQAND SAVDO» MChJ	301157207	июль	ООО PLC ASIA	301138886	июль
«МАДИНА-ДИЗЕЛЬ СЕРВИС» КТЖМК	301090348	ноябрь	BOBUR SODIQ OMAD SAVDO S XK	301143557	июль	QUTLUG' SAVDO MChJ	301090237	июль
«МЕРУЕРТ-ФАРМ» ХК	301260626	ноябрь	СП ООО «SAM ROS XOLOD»	301134512	июль	ООО QUANTA PHARM	206990595	июль
КУНГРАДСКОЕ РДХПРЭП	206991705	декабрь	«GALLA OSIYO NON» MChJ	301110692	июль	OBOD KAPITAL MChJ	206989967	июль
<b>АНДИЖОН ВИЛОЯТИ</b>			ЧП URGUT SUPER PLAST	301184277	август	AGENA BUSINESS	206986876	июль
ВОДИЙ МАТЛУБОТ САВДО МЧЖ	301048950	апрель	ООО «UZTRADEPLUS»	301289493	сентябрь	ООО ENO TRADING	301005079	июль
ООО МАХ-КВА-МЕТАЛ	301233208	июль	«KENJA BONU SERVIS» MChJ	301077568	октябрь	TOSHKENT DEVOR PANELLARI ZAVODI	301002494	июль
ВОДИЙ ЭНЕРГОМАШ МЕХАНИКА МЧЖ	301261459	август	«NAVRUZ SAVDO SERVIS» XK	301066580	октябрь	СП ООО GREEN TREE DISTRIBUTION	301265420	август
«НАВБАХОР НИХОЛЛАРИ» ХК	301024277	август	«TALABA FOOD SERVIS» MChJ	301040543	октябрь	OLTIN BOSHQQ MATLUBOT MChJ	301249978	август
ИНТЕГРАЛ САВДО ЛЮКС МЧЖ	301017729	август	ЧП «SHOROX STROY TEX SERVIS»	301121884	ноябрь	KRISTAL AZIYA AVTO BIZNES MChJ	207001827	август
ХАКАН АВТО ИНВЕСТ МЧЖ	301001163	август	ООО «PRONTO STROY SERVIS»	301088902	ноябрь	SIROJ BIZNES XK	301057648	август
ОЛМОС ТЕКСТИЛ АНД МЧЖ	301270559	сентябрь	«ALIJON QURILISH MONTAJ» MChJ	301074604	ноябрь	ROSITA	206988920	август
ИШОНЧ НЕЪМАТ БАРАКАСИ ХК	301129153	сентябрь	«HAMRO XONIM» MChJ	301040599	ноябрь	ЧП GLOBALAVTO	206988422	август
«АСАКА ЁГ ХАМКОР САВДО» ШК	301322714	октябрь	ООО «ALFA CAPITAL PLUS»	301033084	ноябрь	CAMCE TASHKENT	301026979	август
ЧОРВА ОЗУКА БИРЛАШМАСИ МЧЖ	301281330	октябрь	«ISHONCH TRANS SAMARQAND» MChJ	301141758	декабрь	NEVA-IMPORT	206984848	август
ООО «MAGICIAN BUSINESS PLUS»	301260254	ноябрь	«AFROSIOYOB LAZZAT» XK	301020457	декабрь	ИП ООО INTER MOB	206984713	август
АЛ-ФИРДАВСИЙ ИШОНЧИ МЧЖ	301259134	ноябрь	<b>СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ</b>			ZAMINTEKS IPLIK MChJ QK	301278744	август
ООО АНД-ЭКСКЛЮЗИВ ЛЮКС	301134282	ноябрь	«КАНС ХАМКОР НУР» ХК	301023469	май	WOMAN SAN	301293649	сентябрь
AZIZBEK BARSHINOY XK	301070815	ноябрь	«КОРАГОСМОК ТЕХСЕРВИС» МЧМ МТП	301065574	август	O'ZELTEXSANOAT-SAVDO MChJ	301274759	сентябрь
«TURON ZAMIN SARMOYA» MChJ	301333257	ноябрь	<b>СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ</b>			BMG FARM GROUP	207001652	сентябрь
NANYANG RED COTTON ANGEL TEXTI	301323009	ноябрь	«SHERHON-FAYZ-SERVIS» MChJ	301072131	сентябрь	ООО OPTORG-PROFIT	207000764	сентябрь
АНД. КОМПЛЕКС МОНТАЖ КУРИЛИШ МЧЖ	301313566	ноябрь	<b>ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ</b>			ООО QUALITY FOOD SERVICE	301146932	сентябрь
НОДИР ЛТД МАХСУС КУРИЛИШ ХК	207038265	декабрь	СП AQUA BOTTLERS	206993647	апрель	ООО MEDICAL TRADE GROUP	206992728	сентябрь
ООО «PSB-ANTEKS GROUP»	301338638	декабрь	ООО МЕТАН ЭЛИТ	301035445	апрель	ООО PANORAMA VISION	301076514	сентябрь
BUNYODKOR INVEST KY	206994835	декабрь	XISORAK BESHYOQ' OCH MChJ	301182074	июль	ООО GREEN LINE TRADING	206990080	сентябрь
BOBUR TRADE INVEST MChJ	301013805	декабрь	TOSHKENT-TIBTEKHNIKA REMSERVIS	301002669	август	SOBERK SAVDO	301237479	октябрь
<b>БУХОРО ВИЛОЯТИ</b>			«TTUS» УК	301275131	август	HAMRO-CHINAR	301154274	октябрь
БАРЛОС КУ	206988501	июль	«FAXR BARAKA AGRO MChJ	301181939	сентябрь	WESTONE AZIYA MChJ	301137659	октябрь
ИП ООО CHINA PETROLEUM			ООО METAL ENGINEERING GROUP	301141464	сентябрь	SARVARXON MAXIMUS	301064290	октябрь
ENGINEERING & Construction (Group) Corp.	206983270	август	OHANGARON OSIYO SAVDO MChJ	301115384	ноябрь	ООО KONTINENT ELEKTRONICS	206987985	октябрь
ILF ABU DHABI KOMPANIYASI	207000693	ноябрь	OLM. OMIKHTA YEM SOT. BIR. MChJ	301038433	декабрь	START-TRACK PRINT	206987788	октябрь
<b>ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ</b>			MAXIMUM KREDIT UYSHMASI	206988184	декабрь	UPPER KAPITAL	206987044	октябрь
МУМИН-ЖАМОЛ КТХК	301016935	апрель	TIBURON GROUP MChJ	301333351	декабрь	SIMVOL TLB MChJ	301012695	октябрь
МАМАШОКИР ЗЕБУНИСО ХК	301059074	август	<b>ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ</b>			ИП DEUTSCHE KONSTRUKTION GESS.	301003556	октябрь
ООО SOGDIANA PIPEPLAST	301040227	октябрь	MINDONOBOD TEXNO PLAST MChJ	301064434	апрель	ООО BIXI GROUP	301319519	октябрь
<b>ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ</b>			«СОВДАГАРИ С.С.» МЧЖ	301234070	август	ООО MOTIVATION JET	301316601	октябрь
ЯККАБОГ КУРҒОНИ ИКТК	301160426	июнь	МАРГИЛОН БИНОКОР ТАЪМИР КУРИЛИШ В.	301090782	сентябрь	MUSTANG EXPO BIZNES MChJ	301300701	октябрь
КОНТРАКТ N-ZM-SLB-01	206997712	ноябрь	ООО ALIFAR AGROIMPEKS AND ENGINEERING	301256487	декабрь	ООО VEKTRA CLASS	207017046	октябрь
<b>НАВОИЙ ВИЛОЯТИ</b>			ООО EURO GENIUS	301352828	декабрь	CRYSTAL GLOBAL CLEARING SERVICE	301359500	ноябрь
ХАТИРЧИ ШАРОБ САВДО ИВК	301039811	апрель	<b>ТОШКЕНТ ШАХРИ</b>			SPARTA HELLAS	207036656	ноябрь
«SAYDVEK ZIKIRBEK» ХК	301164451	август	IBRAT OSIYO HAMKOR MChJ	206990445	апрель	ООО KVADRO MONOLIT	301343134	ноябрь
QIZILTERA KAPITAL QURILISH MChJ	301100404	август	SAFFIR QURILISH MONTAJ MChJ	301067263	апрель	ЧП AZIA METALL GROUP	207030371	ноябрь
«QUROL SAMAT» ХК	301025814	сентябрь	ООО MEDIA CITY	301055230	апрель	ООО TRANSATLANTIC INTERNATIONAL	207020804	ноябрь
YUKSALGAN QURUVCHI BUNYODKOR	301187408	октябрь	ООО INVEST MED FARM PLUS	206988478	апрель	ZAMIN VA ZAMINKOR RIVOJ	301306068	ноябрь
NUR-OSIYO-NAVOIY-QURUVCHI ХК	301046179	декабрь	RAHIM FARM GROUP XK	301038472	апрель	ООО MILK FRESH	301184411	ноябрь
KAMALAK QURILISHTA' MIR SERVIS	301033259	декабрь	СП ООО KOMKORT INTERNATIONAL	301033116	апрель	GIPROMAX	301179495	ноябрь
ООО «VITA GOLD TRADING»	301029594	декабрь	EKOPLAST SYSTEMS	301029468	апрель	AAA TRADE	206997300	ноябрь
ЧП «IDEAL MONTAJ PLYUS»	301020282	декабрь	POLIGRAF-CLASSIC	206985165	апрель	МИП NARIN INVEST	301157515	ноябрь
<b>НАМАНГАН ВИЛОЯТИ</b>			ООО MOBICON NETWORKS	206984150	апрель	PARITET TEXNO	206993734	ноябрь
ВОДИЙ МЕТАН САНОАТ МЧЖ	301125246	май	ЧП ADANA INVEST	301000995	апрель	ООО KAILAS PROM STROY KOMPLEKT RESURS	206993418	ноябрь
NAMANGAN FAYZULGURJISAVDDINVEST	206994320	май	MASTER MEBEL AND DESIGN	301152507	май	TEGEN SOUS FUD	301024894	ноябрь
<b>САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ</b>			ООО HIMMETALENERGOKOMPLEKT	206996151	май	TECHEXPERTMASH	206985180	ноябрь
NIZOMJON NOSIROVICH XT	301052630	апрель	IBRAGIMOV XUSAN NASIROVICH XT	301136407	май	ООО YASKANAMU FUTURE	301105190	декабрь
STANDART GARANT PLASTIK TRANS	301118372	май	TRANS TECH LOGISTICS	206985577	май	RAVON TRANS	301093937	декабрь
JOMBOY JAVOHIRI MChJ QK	301057204	май	HEATING SYSTEMS	301194803	июнь	ООО POLAR BEAR TELEKOM	301083839	декабрь
			SUNNATILLA SIROVAR	301177134	июнь	ООО KABEL KONTINENT VEKTOR	301063048	декабрь
			DONMAHSULOTPLAST MChJ	206996935	июнь	QARNOQ INSHOOT SERVIS	301053036	декабрь
			DEM SAVDO SERVIS XK	206993805	июнь	INTER PRIZ	206985514	декабрь
			PRESSTIJ MSHS-SERVIS	301033124	июнь	INTERCHIM DISTRIBUTION	207037909	декабрь
			MULTIMAX JUICY	301029887	июнь	YUSUF TEXTIL SERVIS-OMAD MChJ	301341549	декабрь
						ИП ООО «ART POLIMER»	301339865	декабрь
						ООО RG BRANDS TASHKENT	301304030	декабрь
						ООО «ТНГ-ГРУПП»	207019637	декабрь
						ООО DOVERMAX MELTING	301280450	декабрь

\* «СБХ»нинг 2011 йил 10 февралдаги 6 (862)-сонидан чоп этилган.

www.soliq.uz

# КИМ АВТОБУСДА ИМТИЁЗЛИ ЮРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА?



«Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>1</sup> (кейинги ўринларда – 419-сон Қонун) 5-моддасига мувофиқ шаҳар йўловчилар транспорти жумласига автобуслар, трамвайлар, метрополитен, йўналишли ва йўналишсиз таксилар қиради. Фуқароларнинг айрим тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қонун ҳужжатлари билан транспортда имтиёзли юриш, баъзи шахсларга эса бепул юриш ҳуқуқи берилган.

## ИМТИЁЗЛИ ЮРИШ

Жамоат транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқи имтиёзли йўл чипталарини чиқариш орқали амалга оширилади. Автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни ташиш қоидаларининг<sup>2</sup> (кейинги ўринларда – Қоидалар) 25-бандига мувофиқ имтиёзли йўл қарточкалари тўрт хилда – пенсионерлар, ногиронлар, талабалар ва ўқувчилар учун – чиқарилади. Улар автобуслар, шаҳар атрофидаги ва шаҳарлараро (вилоятлараро ва халқаро) йўналишлар учун ҳақиқий ҳисобланмайди.

Транспортда ташувчи фуқароларнинг айрим тоифаларини имтиёзли ташишга, йўловчилар эса транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатишга мажбурдирлар (419-сон Қонуннинг 23, 25-моддалари).

Имтиёзли юриш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

**талабалар ва ўқувчилар учун** – таълим муассасаси томонидан берилган ўқувчининг гувоҳномаси (талабалик ёки ўқувчилик билети). У транспортда юриш вақтида ҳақиқий ҳисобланиши ҳамда барча зарурий реквизитларга – ваколатли шахсларнинг муҳри ва имзосига эга бўлиши керак;

**пенсионерлар учун** – Пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари ҳамда пенсионерлар йиғма жилдини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳақида йўриқномага<sup>3</sup> мувофиқ доимий яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими томонидан берилган пенсия гувоҳномаси; **ногиронлар учун** – тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан берилган, ногиронликни шаҳодатлаш бўйича кўрик далолатномасидан кўчирма.

Транспортда имтиёзли юриш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлар бўйича кетаётган йўловчилар учун шаҳар йўловчилар транспортида амал қилаётган ташиш қоидалари мажбурийдир (419-сон Қонуннинг 26-моддаси).

Йўл қарточкаларини олдиндан сотиш махсус ташкил этилган сотиш шохобчаларида, шунингдек савдо ташкилотлари ва бевосита ташувчилар орқали амалга оширилади. Йўл қарточкаси багажни бепул ташиш ҳуқуқини бермайди (Қоидаларнинг 25-банди).

## БЕПУЛ ЮРИШ

«Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунга<sup>4</sup> мувофиқ шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриш ҳуқуқи фақат қуйидаги шахсларга берилади:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчиларга;

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг 1 гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахсга;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бенуқсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахсларга;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлмиш фуқароларга;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларга;

Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахсларга;

<sup>1</sup>1997 йил 25 апрелдаги 419-сон.

<sup>2</sup>ВМнинг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарорига 1-илова.

<sup>3</sup>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1710-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

<sup>4</sup>1996 йил 30 августда 278-сон.

<sup>5</sup>Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»

<sup>6</sup>ВМнинг 2006 йил 31 январдаги 11-сон қарорига 1-илова.

кўзи ожиз ногиронлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга.

Бепул юриш ҳуқуқини тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак бўлади: уруш қатнашчисининг гувоҳномаси, уруш ногиронининг гувоҳномаси, байналмилалчи жангчиларга бериладиган гувоҳнома, ҳарбий хизматчининг ҳарбий билети, ТМЭК текшируви далолатномасидан кўчирма ва бошқа ҳужжатлар.

Президентнинг Фармони<sup>5</sup> (1991 йил 27 майдаги ПФ-212-сон) билан ёлғиз пенсионерларга, шунингдек, умумий фойдаланишдаги шаҳар йўловчи ташиш транспортида (таксидан ташқари) ва қишлоқ жойларда ўзлари яшайдиган маъмурий туман ҳудудида умумий фойдаланишдаги автотранспортда бепул юриш ҳуқуқи берилган. Улар учун бундай имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар пенсия гувоҳномасининг яшаш жойи бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимлари берадиган махсус қўшимча варақаси ҳисобланади.

## Бизнинг маълумотнома:

Барча йўловчи бекатларида, охириги ва тўхтаб ўтиш манзилларида йўналишнинг номи, тартиб рақами ва ҳаракатнинг оралиқ вақти тўғрисидаги маълумот лавҳаси жойлаштирилади (419-сон Қонуннинг 20-моддаси).

Йўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эгалар:

– ўзлари билан биргаликда 7 ёшгача бўлган болаларини бепул олиб юриш;

– ўлчамлари белгиланган катталиқдан ошмайдиган, вазни 20 килограммгача бўлган қўл юкини бепул олиб юриш (419-сон Қонуннинг 24-моддаси).

Мактабгача ёшдаги болали йўловчилар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ва кекса фуқаролар учун автобус салониди, унинг йўловчи сифимиға қараб, 6 та олдинги жойлар ажратилади. Ушбу жойларни эгаллаган бошқа йўловчилар уларни мазкур шахслар учун бўшатишлари керак (Қоидаларнинг 30-банди).

Йўловчи ҳажми 60 см х 40 см х 20 см ва оғирлиги 20 килограммдан ортиқ бўлмаган қўл юки ҳамда мусиқа асбобини, 150 сантиметргача узунлиқдаги буюмларни, шунингдек қафасга солинган майда ҳайвонлар ва паррандаларни, аравагани (болалар, ногиронлар ва бошқаларнинг аравачаларини), майда боғдорчилик инвентари, болалар чаналарини ўзи билан бирга бепул олиб юриш ҳуқуқига эга (Қоидаларнинг 32-банди).

## ФУҚАРО ТАЪТИЛДА. ЛЕКИН ИМТИЁЗ «ИШЛАЙВЕРАДИ»

Менинг лицейда таҳсил оладиган қизим қишки таътилга чиққан кезларида бир неча марта ўқувчилик гувоҳномасини кўрсатганига қарамай, жамоат транспортида йўл ҳақи тўлашини ундан талаб қилишган, «автобусчи»ларнинг айтишича, таътил вақтида йўл чиптаси амал қилмас эмиш. Автобус кондукторлари қизимнинг йўл чиптасини унинг лицейда берилган ўқув гувоҳномаси билан биргаликда олиб қўйишга ҳаракат қилганлар.

– Йўл чиптаси билан лицейда берилган ўқув гувоҳномасини олиб қўйиш, шунингдек, таътил вақтида чипталар амал қилмаслигини рўқач қилиб уларни олиб қўйиш бўйича назорат қилувчи шахслар томонидан қилинган ҳаракатларнинг барчаси қонунга зиддир.

Чунончи, Қоидаларнинг 119-бандига мувофиқ назорат қилувчи шахс йўл чиптаси ва гувоҳномаларни фақатгина улар қалбаки, нотўғри расмийлаштирилган ёки бошқа шахсга расмийлаштирилган ҳолларда олиб қўйишга ҳақлидирлар. Бошқа асосларга кўра уларни

олиб қўйиш тақиқланади.

Ўқувчилар таътил вақтида ўқувчилик мақомини йўқотмайдилар, чунки улар таълим муассасасидан ўчирилган бўлмайдилар, бунга эса ўқувчининг гувоҳномаси тасдиқлайди. Тегишинча, таътил вақтида ҳам уларга қонунчиликда берилган барча имтиёзлар амал қилади, зеро, ўқувчиларнинг таътил вақтида умумбелгиланган асосларда йўл ҳақини тўлашлари назарда тутилмаган.

Мария ТУХТАРОВА,  
«Norma» МЧЖ  
юрисконсульти.

## Рўйхатлар

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 18 мартдаги 10-1108/1042-сонли ажримига асосан Чилонзор туманидаги «MUNAVVAR MEDIA» МЧЖ, 10-1108/1044-сонли ажримига асосан «KALIGA-DON» МЧЖ ҳамда 10-1108/1043-сонли ажримига асосан «PONTON EX» МЧЖ банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга оид ишлар бошланган. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар ўз мурожаатларини Тошкент ш., Бунёдкор шохкўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин. Тел.: 276-98-11, 276-98-24. Тугатув бошқарувчиси этиб Ф.Тўхтаев тайинланган. Корхоналарнинг думалоқ ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплари бекор қилинди.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 4 апрелдаги 10-1110/3510-сонли ҳал қилув қаро-

рига асосан Яккасарой туманидаги «ANTURAJ PROEKT» МЧЖ (юридик манзили: У.Носир кўчаси, 68а-уй) банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга доир ишлар бошланган. Тугатув бошқарувчиси этиб Яккасарой туман ДСИ ходими М.Чутов тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомидида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яккасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 310-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.


Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 23 мартдаги 10-1101/3490(26)-т-сонли қарорига асосан Чилонзор туманидаги «DILZELTEXAGREGAT» МЧЖ бўйича тугатиш ишлари бошланган. Ушбу корхонанинг муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони

чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шохкўчаси, 50-уй манзили бўйича ёки 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 3 февралдаги 11-1128/475-сонли ажримига асосан Чиноз туманидаги «Валижон Норматов» ФХ (СТИР 300191776), 11-1128/473-сонли ажримига асосан «Султон гиёё файз» ФХ (СТИР 206047303) ҳамда 11-1128/476-сонли ажримига асосан «Сумбул султон» ФХ (СТИР 206054650) бўйича банкротлик иши очилиши муносабати билан кредиторларнинг йиғилиши 2011 йил 10 апрель кунини соат 11.00, 11.30, 12.00 да Чиноз туман ДСИ биносига ўтказилиши тайинланган. Ушбу фермер ҳўжаликлари алоқадор шахслар ва корхоналарнинг мурожаатлари, даъволари бўлса, эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ишонч-

номалар ҳамда мавжуд қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан мурожаат қилишлари мумкин. Манзил: Чиноз ш., Самарқанд кўчаси, 1-уй. Тел.: 150-59-69, 150-59-68, 33-472, 31-147 (код 8-59).

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 18 мартдаги 10-1108/3894-сонли ажримига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги «SAYOD-SERVIS» МЧЖ ҳамда 10-1108/3893-сонли ажримига асосан «BASKLIT-JEN-LYUKS» МЧЖ бўйича банкротлик иши кўзга тутилган. Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 11 апрель кунини соат 10.00 да Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 314-уй, Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносига ўтказилиши тайинланган. Банкротлик иши 2011 йил 12 апрель соат 9.30 да Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносига (Тошкент ш., Шаҳриобод кўчаси, 314-уйда) бўлиб ўтади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.



# TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 14 (299) 2011 йил 12 апрель

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН  
КАБЕЛЬ  
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА  
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**



Тошкент ш., Қибрай (собик М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

## «ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ»

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

## НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги ВК туридаги, Вихрли  
дренаж учун ГНОМ туридаги ЦМК туридаги фекаль  
К туридаги, Консоль «Андижанец» насоси  
«КАСКАД» ҚЎЗ Товар сертификатланган  
ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

Аудиторлик-ҳуқуқий гуруҳ Ўзбекистоннинг барча вилоятларида

### ШУЪБА

### КОРХОНАЛАР ДИРЕКТОРЛАРИ

лавозимларига номзодларни ишга таклиф этади

Асосий талаблар:

- олий иқтисодий ёки юридик маълумот
- ёши 27 дан 50 гача
- маҳаллий бозорни билиш, тажриба ва ташкилотчилик қобилияти

Резюмеи 8 (371) 150-44-35 факси

ёки altova\_dinara81@mail.ru электрон манзилига юборинг  
Алоқа боғлаш телефони: (+99897) 156-95-52 – Аслиддин

### Рўйхатлар

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 30 мартдаги ажримларига асосан Шайхонтоҳур туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"ACTIVUZ" MCHJ	10-1107/4814
"Azimxon Nur Servis" MCHJ	10-1107/4815
"Toshkent Pulus Savdo" MCHJ	10-1107/4821
"Medikofarm" MCHJ	10-1107/4818
"Qandolat Proimpex" MCHJ	10-1107/4817
"Kapitalimpex" MCHJ	10-1107/4816
"Mir Travel Luxe" MCHJ	10-1107/4812
"Hayot Farm Sanoat" MCHJ	10-1107/4811
"Baians Aktiv" MCHJ	10-1107/4813
"Muslima-Javoxir" MCHJ	10-1107/4819
"Seo-Building" MCHJ	10-1107/4810
"Sof Taom Baraka" MCHJ	10-1107/4820

Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йиғилиши 2011 йил 12 апрель соат 10.00 да Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 306-хонада ўтказилади ва кузатув ишлари ушбу манзилда давом этади. Банкротлик иши 2011 йил 13 апрель соат 14.00 да Шайхонтоҳур туман ДСИ биносининг 306-хонасида сайёр очик суд мажлисида кўрилади. Ушбу корхоналарнинг кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 241-30-86.

«Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 28 мартдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"GOLD ELEGANT MEDEL" XK	10-1118/3797(21)-т
"SHANZODA SAVDO" MCHJ	10-1118/3798(21)-т
"NOLMAX EXPRESS" MCHJ	10-1118/3799(21)-т
"DOELZAF AVIA" MCHJ	10-1118/3800(21)-т
"LIDER PRINT" MCHJ	10-1118/3801(21)-т
"SHASHTRAVEL" MCHJ	10-1118/3802(21)-т
"METALL FARNIT BIZNES" MCHJ	10-1118/3803(21)-т
"ISKANDAR BARAKA SAVDO" MCHJ	10-1118/3804(21)-т
"JUNFA INVEST" MCHJ	10-1118/3805(21)-т
"CHORVADOR GO'SHT-SUT MAHSULOT" MCHJ	10-1118/3806(21)-т
"PALMA YOG'DUSI" MCHJ	10-1118/3807(21)-т
"SHANSTRANSXIZMAT" MCHJ	10-1118/3808(21)-т
"UNITED FRIENDS" ШК	10-1118/3809(21)-т
"EXCLUSIVE MEDIA" XK	10-1118/3810(21)-т
"FYU-NESA" MCHJ	10-1118/3811(21)-т
"PUNTA IMPORT-EXPORT" MCHJ	10-1118/3812(21)-т
"METALEX STILL" MCHJ	10-1118/3813(21)-т
"UBK MED FARM" MCHJ	10-1118/3814(21)-т
"FANTON-STROY-KOMPLEKS" MCHJ	10-1118/3815(21)-т
"UZBEK IVPLEM" MCHJ	10-1118/3816(21)-т
"KICHIK BOY BUNYOD SERVIS" ПБК МЧЖ	10-1118/3817(21)-т
"ATOULLON" MCHJ	10-1118/3818(21)-т
"YULDUZ TEMUR BARAKA FAYZ" MCHJ	10-1118/3819(21)-т
"XAMKOR-RIZO" MCHJ	10-1118/3820(21)-т
"FIKR-MEDIA" MCHJ	10-1118/3821(21)-т
"MAVLUDA FAYZ TAOM" MCHJ	10-1118/3822(21)-т
"CHILONZOR SECURITY SERVICE" ШК	10-1118/3823(21)-т
"SAVRIP BIZNES" MCHJ	10-1118/3824(21)-т
"ARIAN IMPEX" MCHJ	10-1118/3825(21)-т
"DIL NUR BIZNES" MCHJ	10-1118/3826(21)-т
"TOSHKENT BEBANO CHIROI" MCHJ	10-1118/3827(21)-т
"MARJONA SPORT" MCHJ	10-1118/3828(21)-т
"EXIMPROKSERVIS" MCHJ	10-1118/3829(21)-т
"BOTIR ZUXRA" MCHJ	10-1118/3830(21)-т
"AL-UMAR-ALI" MCHJ	10-1118/3831(21)-т
"BESSER BAU" MCHJ	10-1118/3832(21)-т
"MUBORAK QURILISH SERVIS" MCHJ	10-1118/3833(21)-т
"BEATIFUL EVRO FASAD" MCHJ	10-1118/3834(21)-т

Ушбу корхоналарнинг муҳри ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти  
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия  
ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон қувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш**

САР ва СІРА сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

**«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ**  
аудиторлик ташкилоти  
ЎЗР МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

**Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари**

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини кўрсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.  
Тел. (8371) 279-47-18. Факс (8371) 279-44-01.  
Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-62, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.  
E-mail: itd\_nazorat-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:  
Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55,  
Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63,  
Наманган (+99869) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00



ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<b>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</b> Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.	ускуналарни қайта баҳолаш*. Тел.: (+99898) 365-33-50, 365-68-60.	
Аудиторлик хизматлари. Арзон*. Тел. 176-23-13.	<b>БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ</b> Ташкилот вилоятларда тижорат юкларини декларациялаш хизматларини кўрсатади*. Тел. (8 371) 268-10-92.	
«SHARQIY MASLAK» аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви, профессионал хизматларни таклиф этади. Банкрот корхоналарни тугатиш жараёнида қатнашади*. Тел./факс: 250-37-75. Уяли: 733-17-29.	<b>ХИЗМАТЛАР</b> Windows, дастурлар, антивирус. Жойига чиқиш билан. Тел. 585-29-79.	
<b>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</b> Дебиторлик қарзини ундириш. Юридик хизмат кўрсатиш. Ҳўжалик, жиноят ишлари*. Тел. (+99897) 330-45-71.	Антивирус ҳимояси. Жойига чиқиш билан. Тел. 585-29-79.	
«ADVOKAT ELITE». Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 448-74-69.	Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар – таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.	
Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш*. Тел.: 252-52-88, 339-38-34, 377-15-12.	Компьютерга тез ёрдам. Кафолат. Тел. 585-29-79.	
Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 448-74-69.	Металл конструкциядан буюмлар тайёрлаймиз. Тўлов – исталган шаклда. Тел. 100-10-81.	
<b>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</b> Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт,	Видео-, фотосуратга олиш*. Тел. (+99897) 709-20-17.	
	<b>ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ</b> 1С: 8.1. Кузатув, сошлаш ва дастурлаш. Тел. (+99893) 381-36-49.	
	<b>*Хизматлар лицензияланган.</b>	

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**  
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru  
www.norma.uz

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.  
Тахририят оғохлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас.  
Тахририят муштарийлар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас.  
«Норма маслаҳатчи» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОПРИНТ» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс – 186 Буюртма 990 Алади 4930. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2011 йил 8 апрелда соат 19.30 да топширилади.  
ISSN 2010-5223